



Чингизхон бошчилигидаги мўғулларнинг Осиё ва Шаркий Европага килган боскинчилик юришлари (13-а.). Мўғул нўёнлари харбий ташкилот тузиб, кўп халкларни боскинчилик урушига тортдилар. Улар кўшинининг асосий кучи — кўчманчилардан иборат кўп сонли ва жуда харакатчан отлик аскарлар эди. Улар боскинчилик урушларида босиб олган мам-лакатларининг харбий кучи ва техника ютуқларидан ҳам фойдаланганлар. Кўшин бирлашган кўмондонликка эга бўлиб, каттик интизом ва яхши курулланганлиги ҳамда ўзининг жанговар сифатлари билан кўшни мамлакат кўшинларидан устун турар эди. Осиё ва Шаркий Европанинг жуда кўп мамлакатларидаги ички низолар ва рахбар табаканинг хоинлиги мўғулларнинг осонлик билан галабага эришишига кўл келди.

Чингизхон бошлик мўғуллар давлатининг ташкил топишидан бошланиб, 13-а. охирига қадар давом этган. 1207—11 йилларда Сибирь ва Шаркий Туркистон халклари (бурят, ёкут, ойрот, киргиз ва уйгурлар) бўйсундирилди. Тангут давлати (Си-Ся)га қарши бир қанча юришлар қилинди (1227 йил бутунлай вайрон қилинди). 1211 йил Чжурчжэн давлати (Шим. Хитой)га ҳужум бошланди, 90 га яқин шаҳарни вайрон қилиб, 1215 йил Пекинни босиб олдилар. 1217 йил Хуанхе дарёсининг шимолдаги ерларнинг ҳаммаси мўғуллар қўлига ўтди.

Мўғулларнинг Мовароуннахрни истило қилиши

Ўтрор воқеаси ва ундан кейин Чингизхон элчиси Ибн Кафронж Бугронинг ўлдирилиши, Мовароуннахрга Чингизхоннинг бостириб қириши учун баҳона бўлди. Бу юришда Чингизхон дастлаб Шаркий Туркистон ва Ёттисувни забт этди. Чингизхоннинг Мовароуннахрга босқини аввалдан пухта тайёргарлик қўриб режалаштирилган эди. Чингизхон Ғарбга харбий юришини бошламасданок ўз душманининг қуч-қудрати ва урушга тайёргарлиги тўғрисида савдогарлар орқали тўплаган маълумотларини синчиклаб ўрганиб, Хоразмшоҳлар давлатининг ички аҳолидан тўла воқиф эди. Хоразмшоҳлар давлати кўп сонли туркий кўшин ва яхши курулланган қўнгиллилар

лашқари камда етарли озик-овкат захирасига эга эди. Афсуски, хоразмшоҳ билан саркардалар ўртасида мавжуд ихтилофлар аввал бошданок бундай устунликдан фойдаланишга имкон бермади. Кенгашда фикрлар бўлиниб кетди. Хоразмнинг машхур фақиҳи, муфтий Шаҳобиддин Хивакий барча кўшин (400 минг аскар)ни Сирдарё бўйига тўплаб, узок йўл сафарида толикиб келаётган мўгулларни қарши олиш, душманга ҳали ўзини ўнглаб олмасидан туриб, бор қуч билан қатта жангда тўсатдан зарба бериш тўғрисида бирдан-бир тўғри фикр баён қилади. Бирок. Муҳаммад хоразмшоҳга бундай фикр маъқул бўлмайди. Чунки, у ўзининг олий лашқарбошилари билан бўлган қипчоқ лашқарбошиларга тамоман ишончсизлик билан қарар эди. Шунинг учун ҳам у қатта кўшинни бир жойга тўплашдан ва улар фурсатдан фойдаланиб уни тахтдан ағдариб ташлашларидан қўрқар эди. Аскарый қучини қалъа ва истехкомларга бўлиб юбориб, айрим шаҳарларни мўгулларга қарши қўйиш билан душманга зарба бермокчи бўлди. Хоразмшоҳ мўгулларнинг асосий қарбаси Мовароуннахрнинг Зарафшон водийсига қаратилса керак деган фикр билан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини мустаҳкамлашни буюрди. Самарқанднинг ташқи деворини қайта қуриш мақсадида шаҳар аҳолисидан ҳатто бир йил ичида 3 марта хирож ҳам йиғиб олинади. Барча қўрилган қора-тадбирларга қарамасдан хоразмшоҳ ҳужумга тайёр эмас эди. 1219 йилнинг қузида Чингизхон хоразмшоҳ салтанатига қарши юриш бошлади. Жами аскарлари 200 мингга яқин бўлган мўгулларга уйғур хони Идикут ва Олмалик ҳукмдори Сигноқ тегинлар ҳам ўзларининг қарбий қучлари билан қўшилган эди. Чингизхон Ўтрор шаҳар яқинида, Мовароуннахр ва Хоразмни қисқа муддат ичида қабт этиш учун қўшинини 4 қисмга бўлади. Унинг бир қисмини ўғиллари Чигатой ва Ўқтой бошчилигида Ўтрорни қамал қилиш ва уни эгаллаш учун қолдирди. Иккинчи қисмга Жўжи бошлиқ этилиб, Сирдарё этақи томон юборилади ва унга Сигноқ, Ўзган, Барчинлиқкент, Жанд, Янгиқент ва бошқа шаҳарларни қосиб олишни буюради. 5 минг қишилиқ учинчи қўшинни Олоқ нўён ҳамда Сукету-чэрби қўмондонлигида Банокат ва Хўжанд шаҳарлари томон юборади. Чингизхоннинг ўзи асосий қучлари билан Қизилқум орқали Бухоро томон лашқар қортади. Инолчик раҳбарлигида ўтрорлиқлар шаҳарни мудофаа қилиб 5 ой давомида ўз қўлларида ушлаб турадилар. Нихоят мўгуллар шаҳарни эгаллашга муваффақ бўлади. Аҳолини шаҳардан ташқарига қайтаб қарқардилар ва қатл этадилар, шаҳарни эса талайдилар (яна қ. Ўтрор мудофааси). Шу аснода Бухорога йўналган Чингизхоннинг асосий қучлари йўлда Қарнуқ ва Нур қалъаларини ишғол қилдилар. 1220 йил февралда Чингизхон Бухорога етиб қоради. Мўгуллар Бухорони қайрон қилгандан кейин Самарқандга йўл олди. Чингизхон Бухородан қайтаб қелтирган асирлардан ташқари ўғиллари Чигатой ва Ўқтойларнинг Ўтрордан олиб қелган бандиларини ҳам Самарқанд қамалига қарқарбар этади, Муҳаммад хоразмшоҳ Субутой бақодир ва Жебе нўён бош бўлган мўгул қўшинининг таъқибидан қочиқ, Қаспий денгизининг жанубдақи ороллардан бирида қаноқ топади ва сал вақт ўтмай қариблиқда қотилжам қасали билан вафот этади. Бу даврда мўгулларнинг Жўжи бошлиқ аскарый қисмлари Сирдарё этақларида қосқинчилиқ қилмокда эди. Жўжи шаҳарни жангсиз қаслим бўлишини талаб қилиб, Сигноққа элқи сифатида юборган Қасанқожа исмли савдоқарни сигноқлиқлар ўлдирадилар. Бундан даргазаб бўлган Жўжи шаҳарга ҳужум бошлади. Қосқинчилар шаҳарни талаб, аҳолисини битта қолдирмай қиради. Бу воқеадан даҳшатга тушган Ўзган шаҳар аҳолиси мўгулларга жангсиз қаслим бўлади, аммо, Барчинлиқкентни олишда яна қуч ишлатадилар. 1220 йил Жандга ҳужум бошлайдилар. Жанд ноиби Қутлуғхон шаҳарни ташлаб Хоразмга қочади. Қосқинчилар Жандни қаршилиқсиз эгаллаб, уни талайдилар.

Ахолисининг курулланган кисми катл этилиб, шаҳар вайрон қилинади. Бу вақтда Олок нўён, Сукету чэрби ва Тўғай каби мўғул сарханглари 5 минг кўшин билан Банокат ва Хўжанд шаҳарлари устига юради. Банокат химоячилари қиличдан ўтказилиб, қолганлари қулликка маҳкум этилади. Шаҳар забт этилгач, навбат Хўжандга келади. Асли насаби турк бўлган Темур Маликнинг шахсий қаҳрамонлиги билан хўжандликлар мўғулларга қутилмаган қаршилик кўрсатадилар. Жувайний ва Рашидуддинларнинг асарларида Хўжанд қамалида 20 минг мўғул ва 50 минг асир қатнашганлиги айtilган. Бирок, химоячиларнинг қучи тенг бўлмаганлигидан Темур Малик шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. 1220 йилнинг ёзида Мовароуннахр жанубида шу вақтгача босиб олинмаган шаҳарларни забт этишга Чингизхоннинг шахсан ўзи қиришади. Аввал у Насафга бостириб қиради. Шаҳарликлар даҳшатга тушиб шаҳар дарвозаларини очиб берадилар. У Термизга аскар тортади. Термизнинг ноиби Фахриддин Хабаши каттик қаршилик кўрсатади. Термиз шаҳар ва аҳолиси ҳам мўғулларга қаршилик кўрсатган бошқа шаҳарлар қожиасини бошидан кечирди. Сирдарё хавзаси, Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари, Амударё ўрта оқимининг ўнг соҳили вилоятлари забт этилгач, Чингизхон асосий қучни ҳоразмшоҳлар давлатининг маркази Гурганжга ташлайди. Бу ҳарбий қучни Чингизхоннинг ўғиллари Жўжи, Чигатой ва Ўқтойлар бошқаради. Хоразмшоҳлар давлати босиб олингач, мўғул жангарилари ўз қучини йирик савдо ва маданият марказлари бўлмиш Балх, Хирот, Марв ва Ғазна каби шаҳарларга йўналтиради. Аммо бу ерда улар Жалолиддин Мангубердиннинг каттик қаршичилигига учрайди. Мўғул кўшинининг атоқли жангчилари Жалолиддинга қарши тура олмайдилар. Мўғулларнинг Парвон даштидаги мағлубиятидан кейин Чингизхон ҳарбий ҳаракатларни шахсан ўзи бошқаради. Чингизхон Ғазнага лашкар тортади. Жалолиддин эса урушсиз Синд (Хинд) дарёси соҳилларига чекинади. Дарё бўйида 1221 йилнинг ноябрда икки ўртада каттик жанг бўлади. Мўғулларнинг пистирмага қўйган 10 минг нафарли сараланган лашкари жанг оқибатини ҳал қилади. Рақибининг жасоратига қойил қолган Чингизхон уни таъқиб қилиш фикридан қайтади. 1225 йилга қелиб, мўғул кўшинларининг асосий кисми Мўғулистонга қайтиб кетди. Жебе нўён ва Субутой баходир қўмондонлигидаги мўғул кўшини ғарбда урушни давом эттиради ва Шимолий Эрон орқали Закавказьега бостириб қирди. Грузия ва Озарбайжоннинг бир кисмини вайрон қилди. Каспий денгизи соҳили бўйлаб ҳаракат қилиб, аланлар ерига бостириб қирди ва уларни тор-мор қелтирди (1222). 1223 йил 31 майда Қалқа жангида мўғуллар бирлашган рус-кипчак кўшинини енгиб, уни Днепр дарёси этагигача қувиб, кейин Ўрта Волгага чекинди. Бирок, Волга-Қама Булғориясида мағлубиятга учраб, Мўғулистонга қайтиб кетди (1224). Бу мўғул отлик аскарларининг қелгусида ғарбга қилинадиган юришлари олдида олиб борган разведкаси эди. Чингизхон вафот этгач (1227), Ўқтойни Улуғ хон (қоон) деб қўтарган қурултой (1229) дан сўнг мўғуллар 2 йўналишда олиб қорилди. Шарқда Шим. Хитой тўла босиб олинди (1231—34) ва Қорея билан уруш бошланди (1231—32). Мўғуллар бир қанча йирик юришлар (1236, 1254, 1255, 1259) дан сўнг 1273 йил Қореянинг қаттагина кисмини босиб олишга муваффақ бўлган. 1229 йил Субутой баходир 30 минг қишилик кўшини билан Ёйик дарёси бўйига қикди. Жўжи улусининг ҳукмдори Ботухон қўшини билан биргаликда Каспий бўйи даштларидан саксин ва кипчакларни қикиб қикаришга эришди. 1232 йил мўғул кўшинларининг Волга-Қама Булғориясига ёриб қиришга уринишлари бекор кетди. Жўжи улусининг қучлари билан ғарбга қилинган ҳужум қам натижа бермади. 1235 йил қурултой қакирилиб, унда бошқа улуслар ҳарбий қучларини Ботуга ёрдамга юборишга қарор қилинди. 14 мўғул қони

иштирок этиб кўшиннинг умумий сони 150 мингга етди. 1236 йил кузида мўғул кўшинлари яна Волга-Кама Булгориясига кужум килиб, уни вайрон килди. Улар 1237 йилнинг бахори ва ёзида аланлар, кипчоклар ва Ўрта Волгабўйи халклари билан урушни давом эттириб, кузда Шим.-Шаркий Русга юриш килиш мақсадида хоз. Воронеж атрофига тўпланди. 1237 йил кишининг бошларида Боту Рязань князлигига хужум кидди, 6 кунлик камалдан сўнг Рязань таслим бўлди. 1238 йил Коломна остонасида Владимир князлиги аскарларини тор-мор килди. Мўғул кўшинлари Коломна ва Москвани вайрон килиш билан бирга 1238 йил фев. ойи мобайнида 14 рус шахрини (Ростов, Углич, Ярославль, Кострома, Кашин, Кснятин, Городец, Галич-Мерский, Переяславль-Залесский, Юрьев, Дмитров, Волок-Ламский, Тверь, Торжок)ни босиб олди. 1240 йил кузида Жан. Русга юриш бошланди. Декабрнинг охирларида Киев, Владимир-Волинский, Галич ва бошқа шаҳарлар босиб олинди.

1241 йил бахорида мўғул кўшинлари рус хамда Шаркий Европанинг бошқа халклари кўрсатган қахрамонона қаршилигига қарамай, Гарбга томон илгарилади. Боту кўшинининг асосий қисми Карпат доволари орқали Венгрияга кириб борди ва кирол Бела IV нинг 60 минглик кўшинини тор-мор келтирди. Венгрия пойтахти — Пешт шаҳар ишғол этилиб, вайрон килинди, мамлакатнинг кўп қисми харобага айлантирилди. Баъзи мўғул отрядлари Шаркий Чехиягача кириб борди, Бирок кирол Вацлав I томонидан қаттиқ қаршиликка учраб орқага қайтди. 1241 йил охирларида Боту ўз кўшинининг Австрия ва Хорватия орқали Адриатика денгизи томон бошлади. 1242 йил сохилда жойлашган қалъаларни забот эта олмаган Боту Босния, Сербия ва Болгария бўйлаб орқага қайтган. Шундай килиб мўғулларнинг Марказий Европага қилган хужуми тугади.

Мўғуллар истилоси Гарбда — Кичик Осиё ва Яқин Шарқда узок муддатга чўзилди. Мўғуллар Закавказьега босиб олгач, Кўния султонлигини тор-мор келтирди. 1256 йилда Хулоку Эрон ва Месопотамияни, 1258 йил эса Араб халифалигининг пойтахти — Бағдодни бўйсундирди. Мўғуллар Сурияни ишғол килиб, Мисрга қарши хужумга тайёргана бошладилар. Бирок, 1260 йил Миср султони кўшинлари билан бўлган жангда мағлубиятга учраганлар. Мўғуллар истилоси Гарбда шунинг билан тугади.

13-а.нинг 2-ярмида мўғуллар Шарқ ва Жан.-Шарқ мамлакатларини забот қилишга қиришди. Мўғул кўшинлари Жан. Сун империясига чегарадош Дали давлати (1252—53) ва Тибет (1253)ни босиб олди. 1258 йил мўғул кўшинлари хар томондан Жан. Хитойга бостириб қирди, бирок Мунсэнинг тўсатдан вафот этганлиги туфайли Жан. Сун империясини забот этиш қечикди. 1267—79 йилдагина Жан. Хитой янги Улуг хон — Хубилай томонидан ишғол килинди. 1281 йил Японияни босиб олиш мақсадида 1000 кема, 100 минг кишилиқ Кўшин жўнатилган. Аммо, мазкур флот тўфонда қолиб гарқ бўлган. Мўғуллар ўзларининг Жан.-Шаркий Осиёга қилган қиришларида Хитой армияси ва флотидан фойдаланган бўлсалар-да, муваффақиятга эриша олмаганлар. Мўғул-хитой кўшинлари бир неча қиришлар (1277 и. 2 марта ва 1282, 1287 йилларда) дан сўнг Бирмани ишғол қилди, бирок тезда (1291) у ердан хайдаб чиқарилди. Мўғул-хитой кўшинлари ва флоти бир неча марта Вьетнамга хужум қилиб (1257, 1258, 1284, 1285, 1287-88), уни бўйсундира олмади. Тьямпу давлати (Хинди хитойнинг жан.-шарқида) ҳам ўз мустақиллигини мўғуллардан химоя қила олди. М.и. 1300 йил Бирмага қилинган янги қиришдан сўнг тугади.

Мўғуллар истилоси даврида тарихий ва маданий ёдгорликлар вахшийларча қисмон

килинди. Мўгуллар истилоси ва хукмронлиги даврида мағлуб ва мазлум бўлган халкларнинг ягона халокати шу бўлдики, улар душ-манга карши барча ички низоларни четга суриб, биргаликда курашнинг зарурлигини англаб етмадилар.